

04-19-482
29 август 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Кредит ташкилотлари пруденциал
назорати департаментига

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Акциядорларининг 2019 йил 28 июнда ўтказилган навбатдаги йиллик умумий йиғилишида Банкнинг амалдаги уставига айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

“Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 573, 1998 йил 19 декабрь)га мувофиқ, тижорат банклари уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни Марказий банкдан рўйхатдан ўтказиш учун Банк Кенгаши Раисининг илтимосномаси, ўзгартиришлар матни ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси тақдим қилиниши белгиланган.


Банк Акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги навбатдаги йиллик умумий йиғилишида Банк кенгаши таркибини кўриб чиқиш масаласи кейинга қолдирилган ҳамда Акциядорларнинг 2019 йил 26 июлда ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилиб, Банк Кенгаши таркиби янгидан сайланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова:

1. Банк уставига киритилган ўзгартиришларнинг 3 та асл нусхада (ҳар бири ___ та варақдан иборат).
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг мажлис баёнидан кўчирма 3 нусхада (ҳар бири ___ та варақдан иборат).

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши Раиси



Мухтаров

20.09.19

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

№ 17-3

2019 йил “19” сентябрь

Марказий банк Раисининг
Уринбосари



Б. Ө. Захидов

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2019 йил 28 июндаги

_____ -сонли баённомаси билан

Умумий йиғилиши Раиси



У. Мухтаров

Акциядорлар умумий йиғилишининг
2018 йил 20 июндаги 37-сонли қарори билан тасдиқланган
“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик
тижорат банкининг уставига киритилаётган

ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Банк уставининг 5-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда
баён қилинсин:

“Банк ўзининг тўлиқ номи ўзбек тилида ёзилган юмалоқ муҳрига,
ўз номи ёзилган ҳамда эмблемаси (логотипи) туширилган штамп
ва бланklarига эга.

Банкнинг эмблемаси ғоясида Ўзбекистон Республикаси номидаги учта
бош “Ў” ҳарфи, ўзбекча лотин алифбосидан “O”, русча “У” ва инглизча “U”
бирлашмаси мавжуд. Ушбу бирлашма банк фаолияти халқаро
даражадалигини акс эттиради. Эмблеманинг думалоқ шакли банкнинг доимо
динамик ҳаракатдалигини ва бирдамлигини англатади. Эмблемадаги ранглар
саноатнинг ажралмас қисми бўлган: олов (қизил), сув (кўк) ва металл
(кулранг) маъноларини беради.

Банкнинг бренд номи - банкнинг эмблемаси билан SQB ёки SANOAT
QURILISH BANK ёзуви ҳисобланади. Ушбу бренд номи банк ҳужжатларида,
реклама маҳсулотларида, бино безакларида ва бошқа қўлланилиши мумкин
бўлган жойларда ишлатилади”.

2. Банк уставининг 27- ва 41-бандларидаги “депозитарий” сўзи “қимматли қоғозлар депозитарийси ва инвестиция воситачиси” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Уставнинг 30-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкини назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида Банк акцияларини сотиб олиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.”

4. Уставнинг 31-банди ўзгартирилсин қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ва эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари- юридик шахслари томонидан Банк акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.”

5. Уставнинг 32-банди 1-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Чет эл банкларининг Банк акцияларини сотиб олишлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.”

6. Уставнинг 33-банди ўзгартирилсин қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банк норезидентлар бадаллари ҳисобига ўз устав капиталини кўпайтириш, шунингдек, Банк акцияларини сотиш ёки тўланмаган акциялар ва Банк акцияларини имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини резидент акциядорлар томонидан норезидентлар фойдасига бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.”

7. Уставнинг 41-банди 14-хатбошиси ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақиқат пул маблағлари билан тўланадиган очиқ обуна усулида жойлаштириладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдorigа мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

8. Уставнинг 45.2-бандига қуйидаги таҳрирда 21-кичик банди қўшилсин ва 21-кичик банд 22-кичик банд деб ҳисоблансин:

“мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

9. Уставнинг 45.6-банди иккинчи хатбошиси ўзгартирилсин қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10. Уставнинг 46.1-банди иккинчи хатбошиси ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк Кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда, номзод кўрсатиш ҳамда Кенгашнинг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади. Мустақил аъзо сифатида банк ва бошқа соҳалардаги таниқли олим ва мутахассислар киритилиши мумкин. Мустақил аъзога қўйиладиган талаблар Банк Кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

11. Уставнинг 46.1-банди қуйидаги таҳрирда янги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Банк кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кенгаш аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.”

12. Уставнинг 46.2-банди қуйидаги таҳрирда янги хатбоши билан тўлдирилсин:

“фақат Банк кенгаши аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиш; Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

13. Уставнинг 46.3-банди ўн учинчи хатбошиси ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”

14. Уставнинг 46.3-банди йигирма биринчи хатбошиси ҳамда 46.5-банди тўртинчи хатбошисидаги “акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Уставнинг 47.1-банди биринчи хатбошиси ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банкнинг кундалик фаолиятини коллегиял ижроия органи бўлмиш Банк Бошқаруви бошқаради, унинг ишига Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишигача бўлган тоқ сондан иборат миқдорда бўлади.”

16. Уставнинг 47.2-банди биринчи хатбошиси ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банк Бошқаруви Раиси Банк Кенгаши қарори билан тайинланади. Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.”

Бошқарув Раиси ўринбосари

 А. Эргашев

Юридик департамент директори

 Б. Норхужаев

Газначилик департаменти директори

 Х. Акбаров

